



**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI AGROSANOAT MAJMUUI USTIDAN NAZORAT
QILISH INSPEKSIYASI BOSHIG‘INING
BUYRUG‘I**

2022 yil «22» iyun

I-44

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомнинг 17-банди “ж” кичик бандига асосан

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Фармонга мувофиқ:

2022 йил 1 августдан бошлаб:

Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилганлиги;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) очиклик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиклик индекси жорий этилганлиги;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика тасдиқланганлиги;

баҳолаш натижалари эълон қилинган, бир ой муддатда фаолияти «қизил» тоифада баҳоланган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиклик соҳасида йўл қўйган камчиликлари ва уларни

бартараф этиш бўйича режалаштирган чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат тизимидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахбороти Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида эшитилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Х.Шадиева) Инспекция марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалари ва Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази билан биргаликда:

2022 йил 1 июлдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилган маълумотларни Инспекциянинг расмий веб-сайти бош саҳифасида алоҳида бўлимга жойлаштирилишини;

очиқлик индекси қуйидаги:

Инспекцияда очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлиги;

Инспекциянинг расмий веб-сайтида ахборотларни жойлаштириш ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш ҳолати;

ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйилиши;

бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлашга оид маълумотларнинг расмий веб-сайтда жойлаштирилиши;

Очиқ маълумотлар порталида маълумотлар жойлаштирилиши;

оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилиниши;

коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиқлик тамойилларидан фойдаланиш ҳолати;

жамоатчилик кенгаши фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари асосида ҳар йили олдинги йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар бўлган даврини ўз ичига қамраб олиши, 2022 йилда Очиқлик индекси 1 июлдан бошлаб жорий йилнинг иккинчи ярми қамраб олинган давр учун баҳоланиши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан «eanticor.uz» электрон платформаси ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини инобатга олган ҳолда, соҳа бўйича фаолиятда уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин ;

бир ҳафталик муддатда :

мазкур Фармон ва у билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методика”си ижросини таъминлаш, бу соҳада Инспекцияда амалга ошириладиган ишларнинг аниқ тадбирлари, масъуллар ва муддатлари кўрсатилган назорат-режасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун раҳбариятга киритсин;

мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида Инспекциянинг ички ва идоравий ҳужжатларини кўриб чиқсин ва унинг талабларига мувофиқлаштирсин.

4. Инспекция марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалари ва Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази:

фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги амалга оширилаётган ишларда мазкур Фармонни асос сифатида қабул қилсин ва фаолиятни унинг талабларига мувофиқлаштирсин;

Инспекция фаолиятига оид маълумотларни (ўзбек, рус ва бошқа хорижий тилларда) белгиланган муддатларда Жамоатчилик билан алоқалар бўлимига киритиб борсин;

ходимларни очиқлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларнинг бузилишига йўл қўймаслик, масъуллиги ва жавобгарлиги тўғрисида расман огоҳлантирсин.

5. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (Б.Рахимов) Инспекциянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги бошқа саҳифаларини техник таъминлаб борсин ҳамда Жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг бу соҳадаги фаолиятига, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тизимлари билан ҳамкорликдаги ишларига кўмаклашсин.

6. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ж.Мирсаидов) ушбу буйруқни Инспекция марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалари ва Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш марказига етказсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари М.Расулов зиммасига юклансин.

Бошлиқ

Тошкент ш.



А. Вахабов